



MILLIY TIKLANISH

32 (197) ● 2012 йил 15 август, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



КОНЦЕПЦИЯДА билдирилган сайлов қонунчилиги оид тақлифлар, аввало, партиаларро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотнинг шакл ва усуллари турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлишига олиб келади.



ИСТЕЪДОДЛАР халқнинг, миллатнинг ноёб мулки ҳисобланади. Қаердаки улар қадрланса, меҳнат ва изланишлари муносиб равишда рағбатлантирилса, шу ерда ҳаёт янада фаровон бўлади.



КЎРГАЗМАГА қўйилган асарлар орасида юртимиз табиатида хос манзаралар, миллий қадриятларимиз акс этган асарлар, ижодкорларнинг ҳаёт йўли, ижодидаги танлаган мавзулари қизиқшимизнинг янада орттишига сабаб бўлди.

4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

5 МАЪНАВИЯТ

6 ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Ўзбекистон ифтихори»

Собиров Ришод Рашидович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Тигиев Сослан Вазноевич — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

Атоев Аббос Абдураizzoкович — бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«Эл-юрт хурмати» ордени билан

Таймазов Артур Борисович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 14 август

ПЛЕНУМ

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари

УЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиши йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Мустақиллигимизнинг ўтган йигирма бир йилли мобайнида барча соҳаларда фахрланса арзигulik ютуқ ва муваффақиятларни қўлга киритдик. Ўзбекистон ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган илғор давлатлари қаторидан ўрин эгаллашни ўзининг стратегик мақсади сифатида белгилаган. Ана шундай улғувор мақсадларга эришишга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўз фаолиятини янада кучайтириши замон талаби эканлиги кун кеча бўлиб ўтган партия Марказий Кенгаши VIII пленумида ҳам алоҳида таъкидланди.

Пленум ишида ЎзМТДП Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия фаоллари ва Ижроия Қўмита девони масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Партиямиз пленуми «**Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан**» шiori остида мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллигини муносиб кутиб олишга тараддуд кўрилатган бир паллада ўтмоқда, — деди «ЎзМТДПнинг 2012 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ва иккинчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида» маъруза килган партия раҳбари Ахтам Турсунов. — Зеро, истиқлол туфайли биз ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик. Биз қўлга киритаётган буюк марралар, улкан ютуқларимиз замирида ҳам мустақиллик инъом этган тенгсиз неъматлар мужассам.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли кучайиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг эркин фаолият олиб боришлари, ўз мақсад-муддаолари, гоёларини аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб этиб, хайрихоҳлари сафини кенгайтиришлари учун бугунги кунда мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган ва бу механизм тобора такомиллаштириб борилмоқда.

2010 йилнинг 12 ноябрь кун Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган Концепциядаги қонунчилик ташаббусига мувофиқ қабул қилинган қонунлар ҳам сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Партиямиз томонидан амалга оширилган ишлар, биз илгари сураётган гоёларни кенг жамоатчиликка етказишда, шубҳасиз, ўтказаетган турли тадбирларимиз муҳим аҳамият касб этади, деб алоҳида таъкидлади партия етакчиси. Шу маънода, тадбирларимизнинг таъсирчанлиги ва

самарадорлигини таъминлаш ўтган даврдаги фаолиятимизда етакчи ўринга кўтарилганини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида партия ташкилотлари томонидан жами 5 мингга яқин турли тадбирлар ташкил этилди ва унда 500 мингга яқин юртдошларимиз иштирок этишди.

2-бет

ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ

Ватан, бир корингга келар ярагим...

Йигирманчи аср адоғида халқимизнинг асрий орзуси рўёбага чиқиб, мустақилликка эришдик, тақдиримизни ўз қўлимизга олдик. Собiq тузумнинг гайриинсоний исканжасидан озод бўлдик. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов бошчилигида миллий тараққий йўлига ўтдик, эркин, обод, фаровон ва халқпарвар демократик жамият қуришни бош мақсадимиз қилиб белгиладик. Истиқлолнинг дастлабки қадамларидан бошлаб, ўз кучимизга, халқимизнинг тарихий тажрибасига таяндик, миллий манфаатларга, гуруримизга мос келмайдиган, миннатли ёрдамларга кўз тутмадик, бошқалардан қарз кўтармадик. Президентимизнинг борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш шiori асосида бамаслаҳат иш тутдик. Қийинчиликларни сабр-бардош билан енгдик. Энг қийин, таҳликали пайтларда ҳам ёруғ, фаровон кунларга ишончимиз сусайгани йўқ. Эл-юртда тинчлик-тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат бўлса, кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб, баҳамжисҳат ҳаракат қилса, кўзлаган манзилдан чалғимаса, фарзандлар оталарнинг ёнига кирса, бажариб бўлмайдиган ишини ўзи йўқ экан. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қадди-бастимизни тиклаб олдик. Бировга оғиримиз тушмади.



Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг истиқлолимизнинг дастлабки йилида айтган куйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз, деб ўйлайман: «Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворида қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртдошларнинг юртдошларга яхшилиги! Миллатдошларнинг миллатдошларга яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шioriғина эмас, даъва-

тига, чақирғига, хислатига айлансин» («Халқ сўзи», 1991 йил, 17 декабрь).

Мустақиллик илохий неъмат янглиғ, ҳар биримизнинг қалбимизга, онг-шууримизга яхшилик, эзгулик бўлиб сингди, мақсад-муддаимизга айланди, ҳаётимиздаги энг улғу ва энг азиз байрамлардан бири бўлиб қолди.

5-бет

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқий сиёсий ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилади. Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, унинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган изчил, чуқур ва кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сайлов қонунчилиги

КОНЦЕПЦИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ТАҚЛИФ ВА ТАШАБУСЛАР УНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

4-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи = 158



СИЁСАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ПЛЕНУМ

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг иккинчи ярмида ҳар бир ҳудудий партия ташкилотининг иш режаси ва фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган барча тадбирларни юқори савияда, муддатидан оғинмай ўтказиш масъулияти партия етакчилари зиммасига юкланади. Бу борада, айниқса, «Мустақам оила йили» Давлат дастури билан боғлиқ тадбирларни партиянинг дастурий мақсадлари билан ҳамоханг тарзда ташкил этиш, улар иштирокчилари сафини кўпайтириш талаб этилади.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ — ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ НИГОҲИДА

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 30 нафар депутатдан иборат фракциянинг фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз сони эса 1000 нафарга яқин, деб ўз сўзини давом эттирди нотиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг барча соҳадаги фаолигини ошириш, уларнинг нафақат қонун ижодкорлиги ва қарорлар қабул қилишдаги иштироки йўналишида, балки амалдаги қонунларнинг жойларда қай даражада ижро этилаётгани ва энг муҳими электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида фаолиятларини кескин қучайтириш пировард мақсадидадир.

2012 йил электоратимиз манфаатларини давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда ифода этиш бўйича партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари фаолиятини ва ўзаро ҳамкорлигини янада қучайтиришни асосий вазифаларимиз сирасига киритган эдик. Бу борада дастлабки қадамларимиз бир-мунча самарали бўлганини таъкидлаш лозим. Чунончи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва республика «Хунарманда» уюшмаси ҳамкорлигида «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамиятини мавзусидаги тадбири доирасида салмоқли натижаларга эришдик, деб айтиш мумкин. Масалан, Хоразм вилоятида бўлиб ўтган анжуманда 20 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркорга 574 миллион сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди. Яратилган янги иш ўринлари 51 тани ташкил этиди, Андижон вилоятида ўтказилган тадбиримизда эса 33 нафар хунарманд ва тадбиркорга 1 миллиард 507 миллион сўм миқдордаги кредит олиш учун сертификатлар берилди. Бунинг натижасида 119 та янги иш ўрни яратилди. Самарқандлик 10 нафар хунармандга 220 миллион сўмлик имтиёзли кредит сертификати топширилди, яқиндагина Наманган вилоятида ташкил этилган ана шундай тадбиримизда эса 25 нафар хунарманд ва оилавий тадбиркорга 367 миллион сўм имтиёзли кредит сертификати берилди.

Мана шу тўртта вилоятда бўлиб ўтган семинарларда 1500 нафарга яқин электоратимиз вакиллари иштирок этиди ва жами 2 миллиард 669 миллион сўмлик кредит сертификатлари топширилди. Бу рақамлар ортда партиянинг электорати манфаатлари билан бир қаторда, инсон иштирокчиларининг самараси, унинг хурсандчилиги, оиласининг фаровонлиги, мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва энг муҳими юртимизда давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислам Каримов раҳнамоллигида амалга оширилаётган халқларар ва сиёсат туради.

Бундай эзгу ишларни, яъни бошлаган мазкур семинарларимизни қолган барча вилоятларда ўтказишни таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Йил бошида жорий йилдаги устувор вазифаларимиз сирасига жойлардаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини тубдан қучайтириш вазифаси ҳам қўйилган эди.

Таъкидлаш жоиз, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари ма-



Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари

УЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ — ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

ҳаллий кенгашларига сайланган депутатларимиздан алоҳида масъулият талаб қилинади. Шу боис, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан барча ҳудудий партия ташкилотларига депутатлик гуруҳлари орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тавсиялар жўнатилган эди. Хусусан, партия Марказий Кенгаши депутатлик гуруҳлари ишини тубдан қучайтириш мақсадида ҳамда электорат манфаатлари ва партиянинг гоъяларидан хелиб чиқиб «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури»нинг ижроси ҳолатини ўрганиш», «Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳуқуқ қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш» ва «Худудда туризмни ривожлантириш муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус-масала сифатида олиб чиқишни тавсия қилди ва ушбу масалаларга оид тахлилий концепцияни тақдим қилди.

Ўтган олти ой мобайнида кўплаб туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари сессияларида депутатлик гуруҳларимиз томонидан юқоридаги масалалар ташаббус сифатида сессиялар кун тартибига киритилди. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар, Навоий вилояти, Жиззах вилояти, Тошкент вилояти, Тўрткўл тумани, Қонликўл тумани, Хазорасп тумани, Миришкор тумани, Андижон тумани кенгаши сессиялари кун тартибига депутатлик гуруҳларимиз жамиятда ҳуқуқий маданиятини ошириш, худудда туризмни ривожлантириш ва хунармандлар манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан масалалар киритиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бир қатор туман, шаҳар ва вилоятларда бу борада жиддий ишлар олиб борилмоқда. Бирок, айрим депутатлик гуруҳларимиз ва партия ташкилотларимиз бу масалада ҳали айтарли бирор бир амалий қадам қўйишмаган.

Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси депутатлик гуруҳлари фаолиятини қучайтириш, уларга зарур тавсия ва йўл-йўриқлар кўрсатиш, марказда ва жойларда ўқув-семинарлар ташкил қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширди. Лекин, депутатлик гуруҳларимизнинг айримларида ҳамон ўзибўларчилик, ташаббускорликдан қочиб қайфияти ҳукмрон. Уларга ташаббускорлик, электорат манфаатлари учун фидойилик, партия ишига чин дилдан етидашиш сингари хусусиятлар еттишмапти. Аслида депутатларимиз сессияларда партия дастурий мақсадларидан, ижтимоий қатламимиз манфаатларидан келиб чиқиб ва қолаверса, худудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ижро ҳокимияти олдига аниқ тақлифлар ва масалаларни қўйиш-

лари лозим. Айниқса, Жиззах, Сирдарё вилоятлари депутатлик гуруҳларида ташаббускорлик, масъулият етишмапти.

ПАРТИЯ АЪЗОСИ СИЁСИЙ ЕТУК ВА ТАШАББУСКОР БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Худудий партия ташкилотларимизнинг кенг қамровли фаолияти самараси ўлароқ, 2012 йил 1 июль ҳолатига кўра, партия аъзолари сони 125195 нафарни, бошланғич партия ташкилотлари сони 3769 нафар ташкил этмоқда. Шундан, хотин-қизлар 59212 нафар (47,4 фоиз), 30 ёшгача бўлганлар 60883 нафар (48,7 фоиз)ни ташкил этади.

Жорий йил бошига нисбатан аъзоларимиз сони 972 тагача, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 253 тага ўсгани кувонарли ҳол, албатта. Зеро, партия аъзолари сони ошириш, сафимизни сиёсий етуқ, ташаббускор, мақсад-муддаоларимиз ва гоъяларимиз рўйбега ишонган фуқаролар билан тўлдириб бориш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан биридир, деб алоҳида таъкидланди пленумда.

Маълумки, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласи партия фаолиятининг энг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Марказий Кенгаш томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилатган бўлса-да, айрим ҳудудий партия ташкилотларидаги аҳвол ҳамон қониқарли эмас.

Ўқув-семинарларни қучайтириш ва соҳалар бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш — давр талаби

Партия Марказий Кенгашининг ўтган пленуми қарори билан Ижроия Қўмитаси девонига ўқув-услубий ва ахборот-таҳлил бўлими ташкил этилди ҳамда худудий партия кенгашлари девонига шу соҳа бўйича етакчи мутахассисдан келиб чиқиб ва қолаверса, худудлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ижро ҳокимияти олдига аниқ тақлифлар ва масалаларни қўйиш-

турли мавзулардаги ўқув-семинарлар ташкил этилди. Эндиликдаги асосий вазифа, мазкур бўлим фаолиятини янада қучайтириш ва замонавий, долзарб мавзулардаги ўқув-семинарларни юқори савияда ташкил этишни кўпайтиришдан иборат.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида партия ташкилотлари томонидан мафқуравий ва маънавий-маърифий йўналишида 2100 дан ортиқ илмий-амалий анжуманлар, кўрик танловлар, ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирлар ташкил этилди. Уларда жами 200 мингга яқин партия фаоллари, партия электорати вакиллари ва сайловчилар иштирок этдилар.

Тадбирларда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» деб номланган маъруза, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 февралдаги Қарори асосида тасдиқланган 2012 йил «Мустақам оила йили» Давлат дастури тарғиботи ҳамда партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, партия электорати ва аъзолари, кенг жамоатчилик орасида партияни яқиндан таништириш, унинг имиджини ошириш, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни жамоатчилик орасида кенг тушунтириш, аҳоли ва партия фаоллари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришга қаратилди.

Жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига ҳамда миллий тикланиш мафқурасига хизмат қилиш, партия ўз дастурий мақсадларини давр талаблари асосида ҳамда тақомиллаштириши, замонавий иш услубларини шакллантириш зарурлигидан келиб чиқиб, жорий йил бошидан шу кунгача 680 га яқин турли хил давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари, конференциялар ташкил этилиб, уларда 50 минг нафардан ортиқ фуқаро иштирок этди.

«Жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда сиёсий партияларнинг роли» мавзусида ўқув-семинарлар ташкил этилиб келинмоқда. Мазкур ўқув-семинар Андижон, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд вилоят ва Тошкент шаҳар худудий Кенгашларида юқори савияда ташкил этилиб, партиянинг 860 нафарга яқин фаолларига назарий ва амалий кўникмалар берилди.

Хозиргача худудий партия ташкилотлари томонидан мустақиллик бағишланган 700 га яқин турли даражада давра суҳбатлари, форумлар ташкил этилиб, тадбирларда 100 мингга яқин киши иштирок этди.

ЎЗМТДП «Аёллар қаноти» томо-

нидан ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий саводхонлигини, демократик жамиятни шакллантиришдаги фаолигини ошириш, мамлакатдаги кенгаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирокчи ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, қолаверса, жамиятнинг асосий бўғини бўлимиш оила институтини мустаҳкамлаш борасида туркум тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий ва ўқув семинарлар ва кўрик-танловлар ташкил этиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Аёллар қаноти» томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини ўрганиш бўйича ўқув-семинар ташкил этилди. 2012 йил 16 мартда эса, Тошкент вилояти, Қўрай туманидаги «Дўрмон» боғида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш масалалари бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий телерадиоканали «Тошкент» телерадиоканали ҳамкорлигида 21 март — «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб «Хуш келдинг, Наврўз!» деб номланган телемарафон юқори савияда ташкил этилди.

Шу ўринда партия «Аёллар қаноти» фаолиятининг 2009 йилдан бошлаб махсус лойиҳа асосида ташкил этилиб келинаётган ва партия электорати орасида етарлича эътибор қозонган уч босқичдан иборат бўлган ноънавий «Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» кўрик-танлови ҳақида алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг 15 апрелдан 15 июн гача мамлакатимиз хотин-қизлари орасида истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, сиёсий етакчилик сифатларини шакллантириш, қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Мустақилликнинг 21 йиллигига бағишлаб «Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» Республика кўрик-танловининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ўтказилди. Ушбу танловнинг бу йилги худудий босқичларида 1000 нафарга яқин иқтидорли хотин-қизлар бевосита иштирок этишди. Хозирги кунда иккинчи босқич гоилиблари Республика босқичига тайёргарликни амалга оширмоқда. Мазкур кўрик-танлов аксарият худудий партия ташкилотлари томонидан Республика миқёсида юқори савияда ташкил этилган бўлса-да, бироқ бу борада Сирдарё вилояти партия ташкилотининг фаолияти қониқарсиз бўлди. Танлов Сирдарё вилояти партия ташкилотининг туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ҳеч қандай жиддий тайёргарликсиз, номингача ташкил этилган.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Ёшлар қаноти» томонидан партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари-

ни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, амалга ошириш ва партия сафига ёшларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида ҳисобот даврида турли мавзуларда ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, форум ва фестиваллар, маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девонига «Ёшлар масалалари» бўлими ҳамда партиянинг Андижон вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» ҳамкорлигида Андижон шаҳридаги «Боғи Бобурий» номли истироҳат боғида ўтказилган «Ўзбекистон ифтихорлари ёшлар даврасида» мавзусидаги давра суҳбати юқори савияда ташкил этилганини эътироф этиш лозим. «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Баркамол ёшлар — обод Ватан келажиги» шиори остидаги ёшлар форуми бу гал жорий йилнинг 19 март кунин Навоий шаҳридаги Ширин маданият саройида ташкил қилинган бўлиб, «Ёшлар қаноти» клуби аъзолари ўртасида ўтказиб келинаётган «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида» республика кўрик-танлови алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу кунгача мазкур танловнинг минтақавий босқичлари Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилоятларида юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ПАРТИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда сиёсий жараёнлар оқими тез суратларда ривожланаётган бир пайтда электоратни тўғри ва ўлиқ ахборот билан таъминлаш, соҳага профессионал ёндашиш ниҳоятда муҳим. Шу боис, Жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими ана шуларни эътиборга олган ҳолда «Партия матбуот хизмати фаолиятини қучайтиришнинг долзарб вазифаси» мавзусидаги ўқув семинарлар, 27 июнь — «Оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни»га бағишланган «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда партия нашрининг ўрни» мавзусидаги давра суҳбатлари ҳамда «Миллий кадрлар, анъана ва урф-одатларимизни тарғиб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусидаги ҳамда бошқа бир қатор тадбирлар ўтказди. Ўтган 6 ой давомида партия томонидан жойларда ўтказилган тадбирларнинг 620 га яқини маҳаллий, 160 дан ортиги республика телевидениеси орқали ёритилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, партия гоъяси ва мафқурасини ривожлантириш, партия фаолиятини янада қучайтириш юзасидан истиқболли гоъяларни илгари суршида матбуот нашримиз — «Миллий тикланиш» газетаси муҳим ўрин тутди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан партия газеталари фаолияти комплекс равишда мониторинг қилинди ва ўрганиш натижаларига кўра партияимиз наشري — «Миллий тикланиш» газетаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Бу эса газета фаолиятини янада қучайтириш учун зиммамизга катта масъулият юкляди.

Иш режага асосан 2012 йил сентябрь-декабрь ойларида барча худудий партия ташкилотларида 2013 йил обунасини ташкил қилишга бағишланган «Миллий тикланиш» газетаси кунлари ўтказилади. Мазкур тадбирларга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида партия Марказий Кенгаши, фракция аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, барча даражадаги партия ташкилотлари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик жалб қилинади. Газетамизнинг обунаси бўйича ҳам етакчи ўринга кўтарилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бунга партияимизнинг кучи, имконияти ва салоҳияти етарлидир.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилар эканмиз, эришилган ютуқлар билан бир қаторда, келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган куйидаги вазифаларга эътиборимизни қаратишимиз лозим. Яъни, аҳолининг турли қатламлари орасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик

партиясининг тарафдорлари сафини янада кўпайтириш, кенг омма орасига кириб боришни янги йўл ва усулларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш, партиявий мақсад-муддаоларимизни кенг тарғиб этиш, электоратимиз ҳуқуқ ва манфаатларини фаол ҳимоя қилиш орқали ўз тарафдорларимиз сонини кўпайтиришда партия ташкилотлари етакчилари ва девонлари ишлаётган масъул ходимларнинг масъулиятини янада қучайтириш зарур. Партия фаолиятини янада тақомиллаштиришга қаратилган янги, йирик, қамров доираси кенг лойиҳаларни амалга ошириб бориш тизимини мунтазам тақомиллаштириб боришимиз даркор. Партияимиз худудий Кенгашлари билан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, депутатлик гуруҳларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш лозим. Бугунги ахборот глобаллашуви замонида бутунжаҳон интернет тармоғи, мобиль алоқа тизими, компьютер ўйинлари, видео ва кино маҳсулотлари орқали «оммавий маданият» ниқоби остида миллий манфаатларимиз, мафқураимиз, маънавий-ахлоқий қарашларимизга ёт зарарли гоъяларни ёшлар онгига сингдиришга уринишларга қарши кураш мақсадида, партиявий гоъяларимиздан келиб чиқиб, комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни ижро этиш алоҳида бориш ишларини ҳам йўлга қўйиш керак. Баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутадиган, миллиятимиз келажигига бевосита дахлдор бўлган болалар ўйинчоқларини миллий маданиятимиз, анъаналаримиз, ахлоқ ва одобимизга мос равишда ишлаб чиқиш ва хориждан келтириш масалаларини тартибга солишни қонун лойиҳасини маромига етказиш ва қабул қилинишига эришиш партияимиз ва фракцияимиз аъзолари олдида турган устувор вазифадир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва республика «Хунарманда» уюшмаси ҳамкорлигида «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусидаги семинарнинг давом эттириб, уни барча минтақаларда ўтказишга эришиш зарур.

Ҳадемай, юртимиз истиқлолнинг 21 йиллигини ҳам муносиб ютуқлар билан катта тантана қилишимиз. Албатта, Ўзбекистон забт этаётган буюқ марраларга ўзини шу азиз диёр тақдирга дахлдор деб билган ҳар бир фуқарога юксак фахр ва чеқсиз ифтихор бахш этади. Ана шундай улғувор ютуқларга ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўша олсак, дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишдек кўзалган мақсадларимизга албатта етишамиз.

Хозир дунёда геосиёсий ва геостратегик таъсир учун кураш авж олаётган бир паллада Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш энг муҳим вазифа сифатида олдимизда турибди. Эеро, Президентимиз «Давлатимиз ташкил этилишининг маъно-маъмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир» деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар ва бу ўғит доимо фаолиятимиз дастури бўлиши керак, деди пировардида партия раҳбари.

Пленумда ЎЗМТДП МК Ижроия Қўмитасининг худудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам беришинг йўналиш тўғрисида партия МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев, ЎЗМТДП МК пленуми ва Ижроия Қўмитаси қарорларининг ижроси тўғрисидаги масала юзасидан партия МК Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари У.Муҳаммадиев маъруза қилишди.

Маърузалар юзасидан ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Е.Бау-етдинов, Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси О.Мамадалиев, Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси С.Махматуллоев, Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Б.Мамажонов, Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Б.Бобононов ва бошқалар сўзга чиқиб, партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

Пленумда партия фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди ва барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Устоз-шогирд»
анъанаси

УНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ
БАРКАМОЛ АВЛОД
ТАРБИЯСИДА МУХИМ
ЎРИН ТУТАДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши томонидан «Миллий тикланиш» гуруҳининг энг яхши тарғиботчиси кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Аввал хабар қилганимиздек, кўрик-танлов ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ҳудудий партия ташкилотлари қошида тарғиботчи — нотиклар гуруҳини шакллантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда иштирокчилар 3 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Танловнинг биринчи шартда, иштирокчилар белгиланган вақт ичида 25 та саволга тезкорлик ва аниқлик билан жавоб беришди. Шундан сўнг, улар ўзларининг матбуотда ёритилган юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни ҳамда партия фаолиятини ифода этувчи мақолалари мазмун-моҳиятини йиғилганларга қисқача баён этиб бердилар. Учинчи шартда қатнашчилар яккама-якка ҳолда ҳакамлар суҳбатидан ўтдилар. Яқиний натижаларга кўра, Зумрад Риҳсиева ғолиб деб топилди, танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Мазкур кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қонуни ва ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш ҳамда сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан етук кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Х.Назарова. — Шу боис, тadbирда иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва етакчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу танлов ЎзМТДПнинг фаолиятини янада жонлантириш ва салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантиришга хизмат қилади.

Тadbир сўнггида кўрик-танлов ғолибларига партия туман Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

САМАРКАНД

ЎзМТДП Пастдарғом туман Кенгаши ташаббуси билан «Миллий хунармандчиликнинг бандлик муаммосини ҳал қилишдаги ўрни» мавзусида тadbир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлар туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Хунарманд» уюшмаси туман бўлими, туман бандлик кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази мутасаддилари иштирок этди.

Тadbир аҳоли ўртасида миллий хунармандчиликни кенг тарғиб қилиш, «устоз-шогирд» анъанавий мактабларини кучайтириш орқали соҳага ёшларнинг қизиқишини ошириш ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, кадрларимиз давомчилари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар тайёргалик мақсулотлар кўргазмаларини ташкил этиш лозим. Бу эса уста-хунармандлар меҳнатига ёшлар қизиқишининг орттиришга хизмат қилади.

Тadbир сўнггида 9 нафар ёш «устоз-шогирд» анъанаси асосида хунармандларга бириктирилди.

СУРХОНДАРЁ

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби Олтинсой туманида ҳам миллий хунармандчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Олтинсой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Маҳаллаларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришнинг аҳамияти» мавзусида тadbир ҳам ана шундай эзгу мақсадлар рўбига қаратилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ҳудуддаги хунармандлар, ёшлар ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

— Юртимизда хунармандларга гамхўрлик ва катта эътибор кўрсатилмоқда, — деди ЎзМТДП Олтинсой туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ч.Рабиёв. — Хусусан, улар турли солиқ ва боғжона тўловларидан озод қилинди. Партия туман Кенгаши томонидан электрот манфаатларини таъминлаш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этишга кўмаклашиш юзасидан қатор тарғибот ишлари ва тadbирлар ташкил этилмоқда. Мазкур тadbирда асосий эътибор уста-хунармандларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, соҳага ёшларни жалб қилишга қаратилди.

Тadbирда жойларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, «устоз-шогирд» анъанавий мактаблари фаолиятини янада кучайтириш, хунармандчилик расталарини қуриш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш, банк кредитлари олишда кўмак бериш чора-тadbирлари хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Эргаш ХўЖАЕВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎҚУВ-СЕМИНАР



Ислохотлар жараёни

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА
КЎТАРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни сиёсий партиялар фаолиятини янада юқори босқичга кўтаришни талаб этади. Зеро, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия ғояларини кенг тарғиб қилиш орқали сайловчилар ишончини қозониш улар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Шундай экан, ҳар бир сиёсий партия ва ундан сайланган барча даражадаги депутатлар сайловчилар ва ўз электротати манфаатларини ҳимоя қилиши, уларни ўйлантираётган масалаларни чуқур англашлари лозим.

га ошириш халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлардан алоҳида ташаббускорликни талаб этади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда мавжуд партияларнинг мамлакат олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бу жараён қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ва депутатлик назорати ўрнатилишида ҳам яққол намён бўлмоқда.

Мазкур ўқув-семинар ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, партия кадрларининг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, партия сайловолди Платформасида белгиланган принципларни амалга ошириш юзасида тарғиб қилиш механизmlарининг янги усулларини жорий этиш мақсадида ташкил этилди.

«Сиёсий-мафкуравий жараёнларда жамият сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш

бўйича ЎзМТДПнинг долзарб вазифалари» мавзусида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринлики талоб этади.

Семинарда «Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари», «Ташкилий-партиявий ва кадрлар йўналишида ҳудудий партия ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари» ҳамда «Партия электротати манфаатларини амалга оширишда мафкуравий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишнинг долзарб масалалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар якунида ЎзМТДП электротати манфаатларини ҳимоя қилиш ва партиялараро соғлом рақобат муҳитини яратишда партия депутатлик гуруҳларининг роли ва ўрнини кучайтириш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди.

Асқар ТОЛИБЖОНОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар партия сайловолди Платформаси ҳамда дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга интилоқда. Бугунги семинарда партия ғоя ва мақсадлари кенг омма орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, электрот манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳи фаолиятини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Маърузалардан жамиятда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнида фаол иштирок этишимиз лозимлигини яна бир бор англадик.

Мансур ЮНУСОВ, ЎзМТДП Олмаот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, кадрлар захирасини бойитиш ва барча даражадаги ташкилотлар ишини жонлантиришни талаб этмоқда. Бу борада эса партия кадрлари ва депутатлардан ташаббускорлик, электрот манфаатлари учун фидойиллик, партия ишига чин дилдан ёндашиш талаб этилади. Мазкур семинарда ҳам ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, улар ҳамкорлигини мустаҳкамлашни юқори босқичга кўтариш бўйича чора-тadbирлар ишлаб чиқилди.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири



Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партияларга кенг ваколат ва имкониятлар яратиб берилган. Айниқса, парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияга мувофиқ қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни зиммамизга алоҳида масъулият юклади. Хусусан, партия ғоя ва мақсадларини кенг оммага етказиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, энг муҳими, электрот манфаатларини ҳимоя қилиш сиёсий партиялар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Пленумда партияимизнинг ўтган олти ойлик фаолияти давомида ЎзМТДП сайловолди Платформасида кўзда тутилган, электрот манфаатларига қаратилган мақсад ва масалалар қай даражада амалга оширилаётганлиги танқидий-таҳлил этилди, олдимизда турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Анвар МИРЗАЕВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:



— Мамлакатни ислох этиш ва жамиятни эркинлаштириш жараёнлари сиёсий партиялар, айниқса, уларнинг вакиллик органларидаги депутатларидан ўз ишига чуқур масъулият билан ёндашишни талаб этади. Жорий йилда ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолия-

худудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам беришининг яқунлари тўрисидаги маърузада тadbирлар сони ва сифатини ошириш, партияимиз сафини изланувчан, мустақиллик ва партия ғояларига содиқ фуқаролар ҳисобига тўлдириб бориш, электрот манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

ти ва ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан қатор вазифалар белгиланди. Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ЎзМТДП фракцияси аъзолари ва партиядан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда электротати қонунлар, Президентимиз асарлари, Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти билан узлуксиз таништириб бориш юзасидан бир қатор ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Пленумда депутатлик гуруҳларининг сессияларда ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастуридан келиб чиқиб, муҳофизат тақлифларни илгари суриш, партия электротатининг у ёки бу масалалари ечимига қаратилган қарорлар қабул қилинишига эришиш борасидаги ташаббускорлигини ошириш юзасидан тегишли чора-тadbирлар ишлаб чиқилди. Бу партия нуфузини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиши шубҳасиз.

Емберген БАУЕТДИНОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси в.б.:


— Жорий йилнинг ўтган даврида ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолиятида ёшлар масаласи устувор аҳамият касб этди. Боиси, бугун юртимизда кечаётган чуқур ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида ёшларнинг иштирокини таъминлаш, сафимизни етук кадрлар билан бойитиш долзарб вазифалардан биридир. Жумладан, «Ёшлар қаноти» томонидан 130 дан зиёд турли тарғибот тadbирлари ташкил этилди. Уларда ҳудуддаги 7 мингга яқин ёшлар фаол иштирок этишди.

Ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари партия механизмининг ҳаракатга келтириладиган муҳим воситалардан бири саналади. Зеро, партияимиз дастурий мақсад ва ғояларининг кенг халқ оммасига чуқур кириб бориши, электротати ўйлантираётган масалаларнинг бартараф этилиши маҳаллий ташкилот ва депутатлар фаолиятига бевосита боғлиқ. Бугунги пленумда шу йўналишдаги ишларни янада



кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Партия раҳбари маърузасидан сўнг партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб даражасида эмаслигини англадик. Айрим туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фақат тарғибот тadbирлари билан чеклиниб қолаётганлиги таъкидланди.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:



— Партияимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, дастурий мақсад ва ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этишининг самарали усулларидан бири — турли мавзу ва йўналишларда тadbирлар ташкил этишдан иборат. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўз-

ўзини танқид руҳида, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган олти ойлик фаолиятига бағишланган пленумида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш масаласи танқидий таҳлил этилди.

ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши ўтган ярим йил мобайнида ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз, аждодлардан мерос тарихий обида, қадимки ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлод онига янада чуқурроқ сингдиришга қаратилган турли маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тadbир ўтказишда сусткашликка йўл қўйилгани таъкидланди. Пленумда бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан партия марказий Кенгаши томонидан зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари:

— Пленумда партияимизнинг ярим йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди. Ўтган вақт давомида эришилган муайян натижалар баробарида фаолиятимизда бир қатор камчиликлар мавжудлиги очик-ойдин айтиб ўтилди. Хусусан, олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири — фуқароларни партия сафига жалб қилиш ва улар билан доимий ишлаш масаласидир.

Бу туман, шаҳар ва бошланғич партия ташкилотларидан алоҳида ташаббускорликни талаб этади. ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши айна шу йўналишдаги ишларни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Олиб борилган сый-ҳаракатлар натижасида партияимиз сафи 500 нафарга яқин янги аъзолар ҳисобига кенгайди. Афсуски, мазкур йўналишда айрим туман кенгашлари сусткашликка йўл



қўймоқда. Ушбу йўналишдаги камчиликлар ўз вақтида бартараф этилса, ЎзМТДП нуфузи нафақат электротатимиз, балки сиёсий партиялар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳам янада ошади.

ЖАРАЁН

● **ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**

Дорилмомон кунлар

ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАЁТ ТАРЗИДА

Ватан ҳақида муносиб фикр, ҳис-туйғуни бир жумла билан ифода этиб бўлмайди. Аслида дунёда буюк тушунчалар, муқаддас қадриятлар кўп. Шулар орасида бизни халқ, буюк давлат бўлиб шаклланиши-мизда муҳим ўрин тутган Муस्ताқилликнинг беқийс аҳамияти бор.

Ҳар йили Истиқлол байрамимиз ақиллашар экан бу бетакрор туйғуни янада чуқурроқ англаймиз, ҳис қиламиз. У ҳаётимизда чуқур мазмун-моҳият касб этиб бораверади. Бунинг биз инсонлар, тўғрироғи юртдошларимиз тақдирини мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Худудлар инфратузилмасини ривожлантириш, илмий изланишларни ҳаётга тадбиқ этиш, иқтисодий, фан, таълим, тиббиёт, маданият, спорт кўйинги, барча соҳаларда фаолият олиб бораётган ҳамюртларимиз ҳаётда ўтаётган ҳар бир йил ўзидан эркин из қолдирмоқда.

Тақдир. Курраи заманимизда қанча инсон бўлса у ҳар бирининг пешонасига ўзгача битилган. Қарангки, Ватаннинг ҳам тақдирини бўларкан. Лекин унинг пешонаси фуқаролари, уларнинг орзуларини эзгу мақсадлари билан белгилади. Демак, Ватан тақдирлари бирлаштиради, уларни йўналтиради. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида яшаётган шундай юртдошларимиз борки, овоз ва обод, фаровон ватан бунёд этишдек эзгу умид, орзу истак билан ҳаракат қилмоқдалар. Зотан, 21 йиллик амаллар катта, ўзига хос бой ва авлодларга ўрнатилган таърих бўлди. Унинг самарасини бугун ҳар бир жаҳада, хусусан, иқтисодийимиз таянчи бўлган нефть ва газ соҳасида меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Қарийб 33 йилдан буён "Ургачтрансгаз" шўба корхонасида ишлаб келаётган Ҳасан ака

Рўзиматов ҳалол меҳнати, ширин сўзи, фидойилиги билан хурмат ва эътибор топди. У ҳақда фақат илиқ гаплар эшитиш мумкин.

— Кейинги йилларда Ургач шаҳри улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонида айланди, дейди биз билан суҳбатда Ҳасан ака. — Пойтахтимиздаги ободончилик ишларини кўриб, ростки, ҳавасимиз келарди. Шукрки, Тошкентдаги бунёдкорлик ишлари бугун чекка вилоят ва туманларимизга ҳам кўчиб ўтди. Ургач шаҳар кўчаларидаги хом гишт ва гуваладан тикланган пастқам, кўримсиз уйлар ўрнини бугун замонавий, гўзал иморатлар эгаллади. Равон, текис ва кенг йўллар барпо этилди. Шинам тураржой бинолари, савдо ва сервис хизмати шаҳобчалари қурилди. Тор кўчалар кенгайтирилиб, автомобиль ва пиледалар учун қулайликлар яратилмоқда. Истиқлол сабаб шаҳар ва қишлоқларимиз обод ва кўркем бўлаётган. Давлатимиз мустақилликка эришган нафақат кишиларнинг онги, тафаккури, балки иқтисодий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлаётгани сир эмас. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли фаровонлигига эътибор биринчи даражага кўтарилди. Буларнинг барига сабаб муҳтарам Президентимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсати, ислохотларнинг инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилаётганлигидир. Қолаверса, юртимиздаги тинч, осуда кунлар ана шундай бунёдкорлик ишларимизга сабаб бўлмоқда.

Мен ота касбини ардоқлаб,

шунчалик хурмат ва эътибор топдим. Олти нафар фарзандим бор. Ҳозир бир ўғлим шифокор, иккинчиси қурувчи, бошқалари талаба ва ўқувчи. Эрталаб туриб, нонуштадан сўнг, ишга, ўқишга шошамиз. Ўзим қарийб 33 йилдан буён "Ургачтрансгаз" шўба корхонасида ишлаб келаяпман. Кўплаб шогирдларим бор. Ҳалол меҳнат қилдим. Рўзгорим бут. Оила тинч бўлса, ишда унум ва барака бўлади. Кўнгил хотиржамлигида гап кўп. Касбимни яхши кўраман, ундан фахрланаман. Шу касб орқали уй қурдим, тўй қилдим. Ишга отланар эканман, шу юрт, Ватан учун меҳнат қилаётганимдан гурурланаман. Ҳар кун велосипедда ишга бориб келаман. Бу, аввало, саноатлигим учун фойда.

Албатта, бундай дорилмомон кунларга осонликча эришмадик. Тинч ва осудалигимиз ҳам осмондан тушгани йўқ. Гуруру ва ифтихор билан, инсон қадриятини баланд тутиб, кўзлаган манзилларимиз сари дадил одимляпимиз. Халқимиз бунёдкорлик ишқини ва завқи билан яшамоқда. Биз ҳам ана шундай хайрли ишларга ўз меҳнатимиз, ютуқларимиз, фидойилигимиз билан улуш қўшмоғимиз лозим. Юрт тинчлиги олий саодат, дея эътироф этилаётган Ўзбекистонда яшашнинг ўзи катта бахт. Ана шу бахтимизга кўз тегмасин.

Бугун ҳар бир юртдошимиз истиқлолни ўз ҳаёти билан боғлайди. Қаҳрамонимиз Ҳасан ака ҳам истиқлолдан баҳра олганлардан. Ўз қобилияти, тиришқоқлиги, фидокорона меҳнати билан халқ олқишига, меҳрига сазовор бўлди. Ўз юртингда кадр-қимматнинг юксаклигини ҳис этиб яшамоқ катта бахтдир. Ҳасан ака ана шундай бахтдан сармаст бўлаётганлардан биридир.

Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" муҳбири

● **КЎРГАЗМА**



Маънавий меросимиз намойиши

Тасвирий санъатнинг таъсир доираси шу қадар кенг ва беқийски, шахс маънавиятини юксалтириш, оламни англаш, даврнинг гоявий моҳияти, сиёсий, фалсафий, эстетик ва этик қарашларини акс эттиришда муҳим роль ўйнайди. Тасвирдаги руҳий қиёфа, психологик ва эмоционал ҳолатлар, халқ орзу-умидларининг акс этиши билан инсонни янада ўзига яқинлаштиради.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўргазмалар залида бадий кўргазмалар дирекцияси фондида, шунингдек, муаллифлик ва шахсий тўпламларда сақланаётган рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарларининг перспектив намойиши ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилиши шубҳасиз. "Бизнинг мерос" туркумига кирувчи ушбу кўргазма энг сўнггиси бўлиб, Ўзбекистон Бадий академиясининг ташкил топганига 15 йил тўлиши муносабати билан ўтказилмоқда. Қолаверса, кўргазманинг муқаддас рамозон ойига тўғри келиши ҳозирда орамизда йўқ рассомларни яна бир бор хотирлаш, уларнинг ижод маъ-



Забдулла НОРМУРДОВ оingan суратлар.

сулларидан баҳра олиш имконини берди.

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, академик Владимир Бурмакин, санъатшунос Людмила Кодзаева, рассом Ҳаким Мирзааҳмедов, ҳайкалтарош Тўлаган Тожиқўжаев ва бошқалар ўзбек миллий тасвирий санъати, рассомларимиз яшаб, ижод этган давр, профессионал рассомлик мактабини яратиб кетган моҳир усталар ҳаёти, уларнинг инсонийлик фазилатларини эсга олишди.

Экспозицияга 150 дан ортиқ рангтасвир асарлари кўйилган бўлиб, уларда юрт манзаралари, шаҳару қишлоқларимиз ҳаётининг айрим қирралари, меъморий ёдгорлик ва осори-

атиқаларимиз, эски ўзбек маҳаллари, йил фасллари, табиат неъматлари, натюрморт ва триптих услубида чизилган турли мавзуга оид расмлар, шунингдек, мрамар, кўрғошин ва керамикадан ишланган ҳайкалтарошлик буюмлари намойиш этилган. Айниқса, Республика рассомлик билим юртида таҳсил олган ҳайкалтарош Барно Шодиеванинг "Ийгит" ва "Қиз" асари санъат илосмандларини бефарқ қолдирмас керак.

Кўргазмада ижодкорларнинг асарларидан баҳра олиш баробарида уларнинг ҳаёт ва ижод йўли билан танишиш имконияти ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Бадий академияси академиги Владимир Бурмакин бизга берган интер-

— Кўргазмага кўйилган асарлар орасида юртимиз табиати хос манзаралар, миллий қадриятларимиз акс этган асарлар, ижодкорларнинг ҳаёт йўли, ижодидаги танлаган мавзулари қизиқишимизнинг янада ортишига сабаб бўлди. Бундай кўргазмалар биз каби ёшларга танлаган соҳамизни профессионал даражада эгаллаш, ҳаётда ўз ўрнимизни топиш, энг муҳими, ҳақиқий инсоний фазилатларга эга бўлишни ўргатади.

Экспозицияга кўйилган асарларга ҳавас ва ҳайрат кўзи билан қараётган бобо ва унинг набираси эътиборимизни тортди. Бухоронинг Шофиркон туманидан келган юртдошимиз ўзини Ҳожиқурбон Санақулов деб таништирди.

высоида экспозицияга кўйилган асарлардаги ўзига хосликлар ҳақида тўхталди. Хусусан, ўз асарларида ўзбек маҳалларини акс эттирган рассом Абдуманнон Юнусов ижодига алоҳида тўхталди.

Биз кўргазмада манзара, натюрморт, портрет ва маҳоратли деворий сурат жанрларида ижод қилган Александр Степанов асарлари билан танишаётган Камолиддин Бехзод номиндаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларини учратдик. Улар рассомнинг "Тоғ манзараси", "Қиш триптихи", "Хумсон", "Тоғда" ва бошқа бир қатор асарлари билан танишаётган экан. Институт битирувчиси Руслан Қодиров биз билан суҳбатда шундай деди:

— Менда, айниқса, ўзбек рассомларининг кўргазмага кўйилган миллий қадриятларимиз акс этган асарлари катта таассурот қолдирди, - дейди бобо. — Гўзал аъналаримиз давом этаётгани, юртимизда санъатнинг энг гўзал тури — рангтасвир тибора ривожланиб бораётганига амин бўлдим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маънавий меросимизга оид тасвирий санъат асарларининг музейларда, Бадий академия фондларида, муаллифлик тўпламлари, кўйинги, санъат илосмандларининг шахсий коллекцияларида кўз қорачиғидек сақланаётгани қалбимизни фахру гурурга тўлдирди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

● **АНЖУМАН**

Ахборот очиклиги ва ошкоралиги таъминланади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланган.

Бундай қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари самарали фаолият юритишини янада оширади ва ундан жамоатчиликни хабардор қилишга доир чора-тадбирларни тақомиллаштиради. Қонуннинг мақсади — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида фуқароларнинг эркин ва тўқсинликсиз ахборот излаш, олиш, таҳлил қилиш, ўтказиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар ҳамда уларнинг фаолиятини ОАВда еритиш масалаларини тартибга солишдан иборат. Булар — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ошкоралиги, очиклиги ва транспарентлигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, айниқса, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатларига оид қарорлар тўғрисида хабардор қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тарқатилган расмий ахборотлардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни тайинлашдан иборат. "Демократик ислохотларнинг очиклиги ва ошкоралигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан босма ОАВларни самарали ҳамкорлиги" мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида асосан ана шундай масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида "Ўзбекистон

Республикаси давлат бошқаруви ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари салоҳиятини тақомиллаштириш" лойиҳасига доир фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Мазкур лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва жамоатчилик йўналишларида Ўзбекистон давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг 120 нафардан зиёд ходимларини қамраб олган ҳолда амалга оширилди.

Матбуотанжуманида таъкидланганидек, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш давлат, жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини тақомиллаштиришга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, медиа маконини ОАВ билан алоқаларни мустақиллашган аҳоли турар-жойлари олинган" ахборот билан янада бойитиш, мавжуд медиа-ресурслар, бошқа ахборот соҳаси субъектлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг корпоратив алоқалари ва позицияларини мустақамлашга кўмаклашади.

Шунингдек, фуқароларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида холис, тезкор ва батафсил хабардор қилишдаги самарали ҳамкорлиги ҳамда улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш учун янги ҳуқуқий негиз яратилади.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
"Milliy tiklanish" муҳбири

● **ОГОҲЛИК**

Олдини олган афзал

Ота-боболаримиз кўлларини очаркан, ўт балосидан, сув балосидан ўзи асрасин, деб дуо қилади. Дарҳақиқат, қутилмаган ёнгин тинч ҳаётимизни остин-устун қилиш, молу жонимизга хавф-хатар солиши ҳеч гап эмас.

Ёзининг жазирама кунларида очик майдондаги қуруқ ўт-ўланларнинг қовжираси натижасида ёнгинлар сони ортиб бормоқда. Қуруқ ўтлар тез ёнувчан хусусиятга эга бўлганлиги учун ёнгинларнинг ён-атрофда жойлашган аҳоли турар-жойлари ҳам ўтиб кетиш хавфи мавжуд. Бундан ташқари, фуқаролар томонидан ташланган турли хил ахлат ҳам ёнгинларга сабаб бўлаяпти. Масалан, Юнусобод туманида ўтган 6 ой мобайнида 78 та ёнгин содир бўлган бўлса, шуларнинг 15 тасига очик майдонлардаги қуриган ўт ва шох-шаббалар сабабчи бўлган. Модомики шундай экан, фуқаролар, ширкатлар ўзлари иштиёридаги уйлар атрофини қуруқ ўт, шох-шабба ва ҳар хил майши чикиндилардан тозалаш туришга кўплаб ана шундай муаммо ва кўнгилсизликларнинг олди олинади.

Дилшод УМАРОВ,
Юнусобод ТИИБ ЁХБ инспектори

● **МУЛОҲАЗА**

Оила — ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларимиз ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий, жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Оила йиғит ва қизининг ўзаро ихтиёрий хоҳиши, меҳр-муҳаббатини асосида барпо этилади. Oilаниннг ўзига хос хусусиятлари, оила аъзоларининг бир-бирига нисбатан бурч ва вазифалари мавжуд.

Қариндошлик ришталари

ОИЛА ТУСТАҲКАМЛИГИГА РАҲНА СОЛМАСИН

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас деб билади, оила шаънига ўз номус ва орияти деб қарайди, уни ёт назар, ёмон кўзалардан асраб-авайлайди. Дунёда инсон боласи учун оиласидан муқаддас маскан йўқ. Модомики шундай экан, янги оилани барпо қилиш, унинг келажаги ҳақида олдиндан қайғуриш лозим бўлади. Лекин тан олиш лозим, бизда қариндош-уруғчилик, деган одат ҳам борки, у оилани қариндошлик ришталарини мустақамлаш ўрнига, аксинча пароканда қилиш, қариндош-уруғлар ўртасига совуқчилик солиш, энг ачинарлиси, носоғлом зуриёдлар туғилишига сабабчи бўлиб қолмоқда. Яширишнинг хожати йўқ, халқимиз кўпинча қарийб тамойилга айланган қолган одат бор: ўғил уйлантириш ёки қиз узатиш таррадуғида туширилганда, кўпинча бегона эмас, балки ўзимизнинг энг яқин қариндош-уруғимизга интиламиз. Амакининг қизи эди, шу бегона бўлмасин деб ўғлимга келин қилдим, деймиз, аммо бу ёш оиланинг келажак тақдирини, бахт-саодатини ҳақида чуқурроқ мушоҳада

юритмаймиз. Ҳаётда шундай яхши ният билан турмуш қуришган, аммо охир-оқибати ўзларига боғлиқ бўлмаган турли хил сабабларга кўра, ё бузилган, ё юрагиде жароҳат билан яшаётган оилалар йўқ эмас. Кўпинча ака-ука, опа-сингил ёки тоғажиянлар фарзандлари кўзга кўриниб қолган, бир-бирлари билан қудда-анда бўлишни ният қилишади. Бу ниятлар ёмон эмас, лекин унинг охир-оқибати кўпинча дилхиралди, асабзудлиқ ҳамда жанжалларга сабаб бўлади. Яқин қариндошлар қудда бўлганидан сўнг бир-бирдан жудо бўлаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Тиббиёт келин-куёв қариндош бўлса, улардан дунёга келадиган фарзандлар кўпинча носоғлом, майиб-мажруҳ ҳолда туғилишини уқтиради. Ва ҳатто қариндошлик асосида оила қурган ёшлар фарзанд қуриш бахтидан бенасиб қолаётганликлар ҳам кузатишмоқда.

Иш пайти бир йигит хонамга ийманиб кириб, опа сизга айтадиган гапим бор, деди. Нима гап деб сўрасам ажрасмоқчилигини, тоғасининг қизига уйланиганини, олти йил бирга яша-

гани, лекин фарзанди бўлмаётганини, ҳозир келин билан бирга келганини айтиди. Келини чакиринг десам, опа ўзингиз чакиртинг, ёнида дадаси, яъни тоғам бор, биз гап-лашмаймиз, деди. Шунда ўз ўғлимни укам билан қандай қилиб гаплашмаслиги мумкинлигини тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим ва ҳеч қачон яқин қариндошлар билан қудда бўлмаслик кераклигини яна бир бор хис қилдим.

Қариндошларнинг оила масаласидаги узоқни ўйламай қилган тўхтамлари баъзан ана шундай кўргилик ва изтиробларга сабабчи бўлади. Кечагина икки ёшга бахт-иқбол тилаб, уларни чимилдиққа кузатиб қўйган қариндошлар кўп ўтмасдан бир умр юз кўрмас бўлиб кетишлари мумкин. Демак, бизга Яратган томонидан бир марта бериладиган умр гулзорини яшнатиш ҳам, уни ҳазон қилиш ҳам кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз лозим.

К.ШАРИПОВА,
Олтинсой туман ФХДБ бўлими мудири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Қитъаларда глобал исиш

САЙЁРАМИЗДА ЁЗ ЎЗ ЎРНИНИ ОЛТИН КУЗГА БЎШАТАЁТГАН БЎЛСА-ДА, ҲАРОРАТ КЎТАРИЛИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА



XXI асрнинг йирик муаммоларидан бири бу — иқлим исishi ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ экологиянинг глобал тарзда бузилишидир. Бугунга келиб қор ва муз қоплами узунлиги 10-15 фоизга қисқарган, мунтазам тоғ музларининг ёппасига чекиниши ва Арктика музлари қалинлигининг қисқариши, автомобиль транспорти, завод ва фабрикалардан чиқаётган захарли газлар тобора кўпайиб бораётгани инсониятга хавф солаётти.

Ёзнинг чилласи ўтган бўлса-да, ҳаво ҳарорати тобора кўтарилиб бораётти. Бунинг оқибатида бугунги кунда нафақат Африка ва Осиё, балки Америка қитъаси ҳам курғоқчиликдан азият чекмоқда. Ёз мавсумида мўтадил ҳарорат кузатиладиган шимолӣ нукталар, Арктика кенгликлари, Канада, Норвегия, Россия каби мамлакатларда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши кузатишмоқда.

Маълумотларга қараганда, сайёраимизда ҳароратнинг исishi оқибатида абдий музликлар эриб, ўрмонлар қуримоқда. Уммон суви фақат бир метр кўтарилганда ҳам сайёраимиздаги 600 миллион киши истикомат қилаётган ҳудуд хавф остида қолиши мумкин. Олимларнинг ҳисобича, асримиёз охиригача дунё ҳарорати 2,5-3 даражагача ортади. 2080 йилда Гренландия, 2100 йилда эса Антарктидадаги музлар эриб битади. БМТ ва Халқаро метеорологик ташкилот томонидан Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумоти-ча, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортishi кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Агар глобал исishi натижасида куруқликдаги музликлар эриши давом этса, 2100 йилга бориб океанлардаги сув сатҳи кўпи билан 59 сантиметрга кўтарилади. Кузатувчиларнинг айтишича, Гренландия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётгани катта хавфдир. Гренландияда эса сайёраимиздаги музликларнинг 10 фоизи мавжуд бўлиб, улар йилга ўртача 200-300 километр куб

атрофида эриб кетмоқда.

Глобал иқлим исishi асоратлари аллақачон ўзини намоён қилишга улгурди. Иқлим исishi абдий музликлар диёри бўлган Арктикага ҳам етиб борди. Бу ердаги улкан музликларнинг эриши уммонлардаги сув сатҳининг кўтарилишига сабаб бўляпти. Айни ҳолат океан қирғоқларида қад ростилаган шаҳарлар учун хавф туғдирмоқда. Тўфонлар, бўронлар ҳамда курғоқчилик офатларининг тез-тез узраётгани айни иқлим исishi оқибатида юзага келаётти. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида саноти ривожланган мамлакатларда иссиқхона газларининг катта миқдорда ва бетартиб тарзда атмосферага чиқарилиши озон қатламини тешилишига олиб келди. Оқибатда кўёнинг инсон учун зарарли бўлган нурлари мазкур тешикчадан ўтиб, инсоният учун хавфни юзага келтирди. Ҳозир ҳамжамияти бундан жиддий ташвишга тушиб, иссиқхона газлари миқдорини камайтириш учун лозим бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини англаб етди ҳамда бу борада қилган амалии ишлар натижасида мавжуд хавфни маълум даражада жилловлашга муваффақ бўлинди. Ачинарлиси шундаки, глобал исishiга энг катта ҳисса қўшаётган давлатлар бу ривожланган санот мамлакатларидир. Ер,

ялтироқ барглар кўёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Бу усул экинлар альбедоси, яъни, нурни қайтариш хусусиятини 20 фоизга ошириш имконини беради. Биологларнинг фикрича, шу йўл билан сайёраимиздаги ҳароратни бир даражага тушириш мумкин. Аммо айрим экспертлар бу усул қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари унумдорлигига салбий таъсир кўрсатади, деган фикрда.

Олимлар минтақаларда содир бўлаётган ёғинлар иқлим ўзгаришига жиддий таъсир кўрсатаётганини билдиришган. Аниқланишича, ўрмонларнинг ёниши оқибатида атмосферага чиқаётган карбонд кислотаси санот чиқиндиларининг 50 фоизини ташкил этади. Бунда осмонга чиқаётган ёғин тутунлари атмосферанинг юқори қатламларини катта ҳажмдаги куйинди зарралари билан тўйинтиради. У эса кўёш нурида қизиб, атрофдаги ҳавони қиздиради. Бу эса табиат флорасининг бузилиши, атмосферадаги парник газларга жиддий таъсир этмай қолмайди. Бу борада иқтисодчи олим Николас Стернинг фикри шундай:

— Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари биз ўйлагандан ҳам жиддий тус олаётганини билишимиз мумкин. Агар биз ишланган газларни ҳавога чиқариши камайтирмас эканмиз, шу асрнинг охирига бориб сайёраимизда ўртача ҳарорат 5 градусга кўтариларди.

Атроф-муҳит ифлосланиши, натижада иқлимнинг глобал тарзда исishiга асосий сабаб табиий ёқилғи захираларининг катта ҳажмда истеъмол қилинишидир. Замонавий дунёда нефть, кўмир, газ каби ёқилғилар истеъмолига бўлган талаб ошиб, улар кўр-кўрона ва тартибсиз равишда ўзлаштирилиши оқибатида атроф-муҳитга катта зиён етказилаёпти. Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу ерости захираларидан бўшаб қолган конлар яроқсиз ва соғлиқ учун зарарли чиқинди ерларга айланиб қолди. Она табиат учун хавфлидир. Ёқилғилардан фойдаланиш оқибатида атмосферага чиқаётган иссиқхона газлари етказётган зарар кўлами эса ундан ҳам катта. Заводлардан чиққан кўмир эса оқова сувларга кўшилиб, сув ҳавзаси хайвонот олами учун ҳам улкан офат манбаи бўлиб хизмат қилаётти. Бу ҳолатлар дунё об-ҳавосининг меъёрадаги даражадан кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотларга кўра, ўсимлик барглари ни селекция йўли билан ялтироқ тусга киритиш мумкин. Бунинг афзаллиги шунда-

Бехзод ИСКАНДАР

● XX асрнинг 50-йилларида ўрмонлар эгаллаб турган майдон куруқликнинг 1/4 қисмини ташкил этган бўлса, бугунги кунда 1/6 қисминигина эгалламоқда. ● БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришини ўрганивчи ҳукуматлараро комиссияси маълумотларига кўра, XXI асрнинг охирига бориб ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража иссиқ бўлади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Зарар миқдори ортмоқда

Япониядаги Фукусима атом электр станциясидан кўрилган зарар миқдори 46 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

Бугунга келиб Япония ҳукумати мамлакатдаги айрим атом электр станцияларини ишга туширишни режалаштирган. Шунга қарамай, бу борада айрим давлат амалдорлари атом электр станцияларининг фойдаланишга топширилиши миллионлаб аҳоли хавфсизлигига жиддий таъсир этади, деган фикрда. Айни пайтда Япониядаги 54 та атом электр станцияларидан иккитаси ишламоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йилнинг март ойида содир бўлган табиий офат туфайли уларнинг иш фаолияти тўхтатилган эди. АЭСлар фаолиятининг тўхтатилиши табиий газ импортини 18 фоиз оширишга сабаб бўлган. Экспертлар мамлакатда электр энергиясининг тақчиллиги юзага келиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Абдий музликлар макони

Гренландия музликларининг тўксон етти фоизга яқини эрий бошлаган.

Жорий йилнинг ёзида об-ҳавонинг нисбатан исishi оқибатида музликларнинг катта миқдори жуда тез эримоқда. Сунъий йўлдош орқали олинган маълумотларга кўра, 1,7 миллион квадрат метрдан зиёд майдони муз билан қопланган Гренландия ороли муз қопламаниннг ярмидан кўпи эриган. Мутахассисларнинг айтишича, Гренландия музликларининг тўлиқ эриб кетиши уммонлар сатҳининг етти метрга кўтарилишига олиб келади. Бу глобал сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

Кўзларни машқ қилдириш

Сайёраимиздаги 285 миллион одамнинг кўриш қобилияти турли даражада пасайган, 40 миллион одамнинг кўзи эса бутунлай кўрмайди.

Бу ҳақда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумот тарқатган. Кислород танқислиги, танада ёғ алмашинувининг бузилиши, қандли диабет, стресс каби ҳолатлар кўриш қобилиятининг сусайишига сабаб бўлади. Мутахассисларнинг тахминича, ўн йилдан кейин сайёраимизда кўзи ожизлар сони 75 миллионга етиши мумкин. Шифокорларнинг айтишича, кўриш қобилиятининг баъзи-раф етиш мумкин. Бунинг учун кўзларни машқ қилдириш, парhez сақлаш, компьютер билан ишлаш қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Ўзининг қадимий маданияти, бой тарихи билан бошқа давлатлар орасида Миср етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти тошларда, саркофагларда, расомлар асарларида, уста-хунармандлар ижодида, меъморчилик иншоотларида муҳрланиб қолган. Шубҳасиз, Мисрни дунёга танитган ҳам унинг сирли синаотларга бой пирамидалари бўлади.

Мисрда етмишдан ортиқ пирамидалар бор. Уларнинг ҳар бири фақат битта фиръавннинг қабридан иборат бўлган. Жосер подшолик қилган даврдан сўнг маликалар ҳам ўз эҳромларига эга бўла бошлаган. Бу пирамидалар фиръавнларникига қараганда кичикроқ бўлган. Бундай макбаралар асосан Нил дарёсининг ғарбий қирғоғида — ботаётган кўёш мамлакатда барпо этилган. Ана шундай пирамидаларнинг энг улкани Хуфу фиръавни (эраимизга қадар 2590-2568 й.) даврида қурилган бўлиб, инсониятга Хеопс номи билан танилган. Бизнинг давримизга келиб, Хеопс эҳромининг баландлиги 138 метрни ташкил этди. Дастлаб унинг ўлчами 147 метр бўлган. Бироқ, ер силкинишлари туфайли пирамиданиннг чўққисига жойлашган тошлар қулаб тушиши натижасида ҳозирги ўлчамга келиб қолган.


Жами бўлиб эса эҳромни қуриш учун ҳар бири 2,5 тонна келадиган 2,5 миллиондан зиёд оҳақтош ва гранит блоклари-дан фойдаланилган. Иншоот бир қатор зинапоялардан ташкил топган бўлиб, уста-уст қўйилган ва юқорига кўтарилган сари кичрайиб борувчи бир қанча мастабалар йиғинидан иборат. Пирамиданиннг асоси квадрат бўлиб, у қоянинг 25 м. ичкарасида жойлашган.

Баландлиги беш қаватли бинога тенг, майдони 230х230 метрни ташкил қилувчи пирамида қурилиши ёш фиръавн Хуфу фармонига асосан амалга оширилган. Отасининг ўлимидан сўнг, у худди Жосер даврида яшаган фиръавнлар каби ўз хоб-гоҳи — улкан эҳромни бўлишини истади. У ҳам бошқа фиръавнлар сингари пирамиданиннг улкан ва тақдорланмас бўлишини талаб қилади. Шу боис, меъморлар биринчи навбатда эҳром

учун мос майдонни аниқлаб, ишни зарур чора-тадбирлар кўришдан бошлайди.

Ҳозирги замон мисршуносларининг ҳисоблашича, пирамидалар қуришдан олдин мисрликлар дастлаб тоғлик ерларда зовурлар қазиб, текис ва яхлит пойдевор қилишга эришганлар. Бунинг учун зовурни сув билан тўлдириб, унга қозиклар қоқиб, сувнинг юзасини белгилашганлар. Сўнг атрофни текислаб, зовурни тоғ тошлари билан тўлдирганлар ва қозиклардаги белгиларга қараб тўғрилаб чиқишган. Натижада бўлажак пирамиданиннг текис ва яхлит пойдевори вужудга келган. Бу вақтда тош ётқизувчи мутахассис пирамида учун ишлатиладиган тошларни бир неча йил мобайнида текислаб пардозлаган. Блоклар фақат уч ойга етадиган қилиб тайёрланган, чунки ҳар йили бўладиган сув тошқини натижасида уч ой давомида ишсиз қолган деҳқонлар ана шу пирамида қурилишига жалб этилган. Биринчи қатор тошлар ўрнатилгач, унинг атрофига шагал ётқизирилиб, бир томонга нишаб тортилган. Кейин блокларни тортиш йўли билан нишабга олиб чиқилган ва биринчи қатор устига қўйилган. Ана шу йўлида пирамида секин-аста қаторма-қатор юқорига кўтарилган сари унинг атрофидаги шагалдан қилинган нишаб ҳам спирал шаклида кўтариб борилган. Пирамида қурилишида фой-

Улкан пирамида



даланилган дастлабки 2 млн. га яқин оҳақтош блоклар Нил дарёсининг шарқий қирғоқларидан олиб келинган. Эҳром учун ҳозирги Қоҳира шаҳридан жануброқда, Гиза манзилгоҳидан 7 метр узокликдаги чўл платоси устидаги тошлоқ ер танланади. Сабаби, оғирлиги 6 400 000 тонна келувчи пирамидани ана шу тошлоқ жойига кўтариши мумкин эди. Эҳром асоси 10 йил деганда тайёр ҳолга келтирилади. Майдонни қурилишга тайёрлаш ишида 4 мингга яқин уста, меъмор ва хунармандлар қатнашган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, ўн йиллик тай-

ёргарликдан сўнг, Хеопс қурилиши яна 20 йилча давом этган. Эҳромни бунёд этишда сон-саноксиз ишчи кучидан фойдаланилган. Унинг қурилишида нануброқда, Гиза манзилгоҳидан 7 метр узокликдаги чўл платоси устидаги тошлоқ ер танланади. Сабаби, оғирлиги 6 400 000 тонна келувчи пирамидани ана шу тошлоқ жойига кўтариши мумкин эди. Эҳром асоси 10 йил деганда тайёр ҳолга келтирилади. Майдонни қурилишга тайёрлаш ишида 4 мингга яқин уста, меъмор ва хунармандлар қатнашган. Юнон тарихчиси Геродотнинг ёзишича, ўн йиллик тай-

ганки, ой шуъласида эҳром улкан кристалл мисол товланган турган.

Хеопс пирамидаси сиз ўйлагандек фақат тошдан иборат эмас. Эҳромнинг ички қисмида бир-бирига уланган йўлаклар тизими ҳам мавжуд. Узунлиги

Эҳром ўшанда ҳам ҳозирги кўринишидан унчалик фарқ қилмаган. Зинасимон тоғни эслатувчи пирамида узокдан қаралганда, яхлит монумент тошга ўхшаб кетган. Унинг юза қисми текислаб, оппоқ оҳақ аралашмаси билан силлиқлаб чиқилган. Ташқи плиталарига усталар шу қадар ишлов бер-

47 метрни ташкил этувчи асосий йўлак орқали катта галереяга, у ердан эса узунлиги 10,5 м., эни 5,3 м., баландлиги 5,8 м. келадиган фиръавннинг дафн хонасига ўтилади. Хона бошдан оёқ гранит билан қопланган. Бироқ, унга бундан ортиқ зеб берилмаган. Шунингдек, пирамида ичкарасидаги бошқа хона ва йўлакларда ҳам бирорта безак ёки рамзларни учратолмайсиз. Фақат Малика хонасига олиб борадиган йўлакдагина унинг кичик портретини кўриш мумкин. Ушбу тасвир тошга ўйиб ишланган фотосуратга ҳам ўхшайди.

Эраимизга қадар 4500 йил аввал қад кўтарган иншоот ҳали-ҳануз инсониятни таажублантиришида давом этмоқда. Унинг қурилиши билан боғлиқ саволлар, Хуфу фиръавни дахмасининг оддийлиги, устига устак қопқасининг йўқлиги, ўша даврга хос бўлмаган тарзда фиръавннинг зеб-зийнатсиз дафн этилгани ҳамон жумбоқлигига қолаётти.

Зафар МУҲАММАД

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони партиянинг аъзолик гувоҳномаси, аъзолик ҳисоби варақаси ҳамда бошланғич партия ташкилоти кундалигини тайёрлаш ва нашр қилиш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 239-45-77, 239-45-53, 244-65-16

БАЙРАМ МУБОРАК!

Реклама



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЕШАРИҚ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ



Барча ҳамюртларимизни табаррук айём —

Мамлакатимиз мустақиллигининг

21 йиллиги

билан муборакбод этади.

*Юртимиз равнақи йўлида амалга
ошираётган ишларимиз,
эришилаётган ютуқлар
Ватанимиз ободлиги,
турмушимиз
фаровонлигига
хизмат қилаверсин.*



ИСТИҚДОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

VATAN TUVG' USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Аҳтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САҒОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
 Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия хайъти бўлими (факс): 234-01-47
 Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
 Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
 «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
 Буюртма — Г 819, Адади — 5119. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Камолiddин ҲОТАМОВ
Навбатчи: Уктам АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz
 Босишга топшириш вақти — 21.00.
 Топширилди — 23.10.
ISSN 2010-7714